

## IX. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 33 003 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,4 % гаўсган.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида 4 508 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,8 % га кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар саноатда (35,4 %), савдода (31,8 %), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида (13,0 %), қурилишда (5,9 %), яшаш ва овқатланиш хизматларида (3,8 %), ташиш ва сақлаш хизматларида (2,6 %) ташкил этди.



**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши**  
(2020 йил январь-июнь ойларида, % да)






Худудлар бўйича янги ташкил этилган  
кичик корхонава микрофирмалар, бирликда

	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	(+;-)
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3 248</b>	<b>4 508</b>	<b>1 260</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон ш.	974	1152	178
Хонобод ш.	63	78	15
<i>туманлар:</i>			
Олтинкўл	156	219	63
Андижон	236	249	13
Балиқчи	142	277	135
Бўстон	63	203	140
Булоқбоши	83	173	90
Жалақудук	130	273	143
Избоскан	197	226	29
Улуғнор	42	105	63
Қўрғонтепа	175	252	77
Асака	286	435	149
Марҳамат	174	186	12
Шаҳрихон	256	312	56
Пахтаобод	145	167	22
Хўжаобод	126	201	75

2020 йили январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Андижон шаҳри (1 152 та), Асака (435 та), Шаҳрихон (312 та), Балиқчи (277 та), Жалақудук (273 та) ва Қўрғонтепа (252 та) туманларида кузатилди. Энг паст кўсаткичлар Улуғнор тумани (105 та) ва Хонобод (78 та) шаҳрида қайд этилди.




**Янги ташкил этилган кичик корхона  
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши,  
(2020 йил январь-июнь ҳолатига, % ҳисобида)**



2020 йил январь-июнь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Андижон шаҳрида (25,6 %), Асака (9,6 %), Шахрихон (6,9 %), Балиқчи (6,1 %), Жалакудук (6,1 %), Қўрғонтепа (5,6 %) туманларида, энг паст кўрсаткичлар эса Улуғнор тумани (2,3 %) ва Ҳонобод шаҳрида (1,7 % ни) ташкил этди.




**Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик  
тадбиркорлик(бизнес) субъектларининг сони  
(ҳар 1 000 аҳолига, бирликда) январь-июнь ҳолатига**





**Худудлар бўйича 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик  
корхона ва микрофирмалар сони**  
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1 000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳри (23,5 бирлик), Улуғнор тумани (21,3 бирлик), Хўжабод тумани (15,6 бирлик), Бўстон тумани (14,6 бирлик), Хонобод шаҳри (13,6 бирлик), Асака тумани (12,4 бирлик), Балиқчи тумани (12,0 бирлик) ва Марҳамат тумани (11,2 бирлик)га тўғри келади.

Ўртача кўрсаткич оралиғида (10,5-9,2 бирлик) Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Олтинқўл, Андижон ва Пахтабод туманларига тўғри келади.


Шаҳрихон (8,4 бирликда), Булоқбоши (8,3 бирликда) ва Избоскан (7,6 бирликда) туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1 000 аҳолига, бирликда) 11,8 бирликда бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 11,5 бирликни ташкил этган. 2020 йилда бу кўрсаткич 12,5 бирликни ташкил етди. Бу эса, 2018 йил кўрсаткичидан 0,7 бирликга кўп демакдир.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	<b>2019 йил январь-июнь</b>	<b>2020 йил январь-июнь</b>	<b>(+;-)</b>
<b>Жами</b>	<b>3 248</b>	<b>4 508</b>	<b>1 260</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	127	588	461
Саноат	943	1 594	651
Қурилиш	367	268	-99
Савдо	1 288	1 435	147
Ташиш ва сақлаш	110	118	8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	134	170	36
Ахборот ва алоқа	56	65	9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	62	66	4
Бошқа фаолият турлари	161	204	43

**Маълумот учун:** 2020 йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўп салмоғи, бирликда:



**Ҳудудларнинг жами маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги кичик  
тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши  
(2020 йил январь-июнь ҳолатига, % да)**

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Чакана савдо	Инвестиция
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>18,3</b>	<b>95,0</b>	<b>64,7</b>	<b>88,6</b>	<b>73,9</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон ш.	20,3	92,3	35,8	71,6	62,9
Ҳонобод ш.	10,2	99,8	95,0	85,5	84,5
<i>туманлар:</i>					
Олтинқўл	52,8	98,4	95,9	95,8	39,6
Андижон	66,3	92,9	92,6	86,1	75,8
Балиқчи	41,2	100,0	97,7	95,3	93,1
Бўстон	66,0	98,8	93,2	94,2	63,2
Булоқбоши	100,0	100,0	95,8	97,7	90,9
Жалакудук	69,4	81,3	97,5	98,1	77,8
Избоскан	91,4	100,0	96,0	98,3	62,0
Улуғнор	63,2	70,2	97,3	99,7	90,5
Қўрғонтепа	36,7	98,0	96,7	98,7	93,8
Асака	2,0	100,0	94,6	96,5	41,3
Марҳамат	58,5	100,0	98,6	98,0	72,6
Шаҳрихон	82,9	100,0	97,6	98,8	88,4
Пахтаобод	66,7	100,0	97,1	97,7	93,5
Хўжаобод	75,1	100,0	96,2	99,1	82,7

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг юқори улуши саноат соҳасида Булоқбоши (100,0 %), Избоскан (91,4 %), Шаҳрихон (82,9 %) ва Хўжаобод (75,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурилиш соҳасида Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Избоскан, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод ва Шаҳрихон, туманлари (100,0 %) ҳиссасига тўғри келди.


Хизматлар соҳасида Марҳамат (98,6 %), Балиқчи (97,7 %) Шаҳрихон (97,6 %), Улуғнор (97,3 %), Пахтаобод (97,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.


2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3 134,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 18,3 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 108,5 % ни ташкил қилди;
- 3 028,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 73,9 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 154,8 % ни ташкил қилди;
- 1 871,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,0 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-июнь ойлариганисбатан 100,4 % га тенг бўлди;
- Чакана товар айланмаси ҳажми 6 198,2 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмаси ҳажмининг 88,6 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,0 % ни ташкил қилди;
- 96,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 41,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 122,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 10,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.




**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик  
(бизнес) улушининг ўзгариши  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**





**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми  
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)**



Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Андижон шаҳар (543,9 млрд. сўм), Избоскан (327,8 млрд. сўм), Андижон (305,3 млрд. сўм) ва Шаҳрихон (272,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Бўстон (100,4 млрд. сўм), Улуғнор (82,6 млрд. сўм) ва Хонобод (62,9 млрд. сўм) шаҳарларида ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.







## Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик(бизнес)нинг улуши, % да (2020 йилнинг январь-июнь ойларида)




Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг (бизнес) жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улушини Булоқбоши тумани (100,0 %), Избоскан тумани (91,4 %), Шахрихон тумани (82,9 %), Хўжабод тумани (75,1 %), Жалақудук тумани (69,4 %) ва Пахтабод (66,7 %) туманларида ташкил этди.

Асака туманида (2,0 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.




**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик(бизнес)да  
чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати, % да  
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)**



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Андижон шаҳар (1 600,4 млрд. сўм), Шаҳрихон (878,5 млрд. сўм), Асака (689,7 млрд. сўм), Қўрғонтепа (495,4 млрд. сўм) ва Хўжаобод (428,3 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати  
(2020 йилининг январь-июнь ойларида)




Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Андижон шаҳрида 587,5 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-июни ойларига нисбатан ўсиш суръати 98,3 %), Андижон тумани 289,1 млрд. сўм (109,4 %), Шаҳрихон тумани 171,4 млрд. сўм (107,0 %), Пахтабод 114,2 млрд. сўм (146,1 %) ҳамда Марҳамат тумани 91,2 млрд. сўм (107,1 %) қайд этилди.





**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати  
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)**




Худудлар бўйича энг кўп хизматлар ҳажми Андижон шаҳри -988,0 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-июни ойларига нисбатан ўсиш суръати 86,6 %), Асака тумани 271,0 млрд. сўм (110,6 %), Шаҳрихон тумани 263,3 млрд. сўм (105,8 %), Балиқчи 238,9 млрд. сўм (104,6 %) ва Андижон 237,4 млрд. сўм (106,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йилнинг II чорак якунларига кўра янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти кузатилди, унда иқтисодий фаолият турлари бўйича 250 та респондентлар қатнашди. Шундан саноат корхоналари - 78 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонининг 31,2 фоизи), қурилиш – 14 та (5,6 фоизи), савдо – 93 та (37,2 фоизи), хизматлар – 42 та (16,8 фоизи) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 23 та (9,2 фоизи) ни ташкил этди.




**Кузатувда иштирок этган янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, % да**




Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви маълумотларига кўра, 2020 йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 34,8 пунктга ошди, қолган барча фаолият турлари бўйича пасайиши кузатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолайдиган саноат корхоналари 16,5 пунктга, қурилиш корхоналари 8,2 пунктга, савдо соҳаси 8,9 пунктга ошди. Аксинча қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 23,6 пунктга, хизматлар соҳасида 14,3 пунктга пасайиши кузатилди.

Жорий йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар хизматлар соҳасида 15,5 пунктга, савдо соҳаси 6,4 пунктга, қурилиш корхоналари 21,4 пунктга ошди. Аксинча қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 11,2 пунктга, саноат корхоналари 4,8 пунктга пасайиши кузатилди.



**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**



Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви натижаларига кўра, 2020 йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яқин уч ойида иқтисодий вазиятни яхшилашга ишонган корхоналар улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3,8 пунктга ошди, қолган барча фаолият турлари бўйича камайиши кузатилди.

Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, яқин уч ойдаги иқтисодий вазият ўтган йилга нисбатан ўзгармайди деб ҳисоблаган корхоналар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3,8 пунктга камайди, қолган барча фаолият турлари бўйича ўсиши кузатилди.

Яқин келажакда иқтисодий вазиятни ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши савдо соҳасида 1,6 пунктга, саноат корхоналари 1,3 пунктга ўсиши кузатилди.



**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойда иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**

